



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ЖАЗОЛАРГА ТОРТИЛГАН ШАХСЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИ ТУШУНЧАСИ.

Кушбаков Дилшод Мусурманкулович

ИИБ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
доценти, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент,
подполковник

Эгамбердиев Воҳиджон Отабекович

ИИБ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
катта ўқитувчиси, майор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11368693>


Аннотация. Ушбу мақолада профилактика инспекторларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга тортилган шахслар билан ишлаш фаолияти, ушбу фаолиятни ташкил этиш тартиби, амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳамда профилактика инспекторларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга тортилган шахслар билан ишлашда амалга ошириладиган ҳамкорлик ёритиб берилган.

Калит сўзлар: профилактика инспектори, озодликдан маҳрум этиш, жазо, фаолият, чора-тадбирлар, ҳамкорлик, профилактика турлари, кодекс.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш жараёнида озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга тортилган шахслар билан ишлаш алоҳида ўринни эгаллайди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ҳар бир тури ва уларнинг чора-тадбирларини қўллашда субъектлардан қонун ва қонун ости ҳужжатларини билиши билан бир қаторда уларни тўғри етказа олиш қобилиятларининг шаклланганлик даражаси ҳам талаб этилади.

Профилактика инспектори хизмат фаолияти давомида турли тоифадаги шахслар билан мулоқотга кришади, уларнинг турли саволларига жавб беришига тўғри келади. Ўз навбатида аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини чора-тадбирларини амалга оширишида озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга тортилган шахслар билан ишлаш зарурати туғилади.

Профилактика инспектори озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга тортилган шахслар билан мулоқот қилиш жараёнида ахлоқ нормаларига риоя этиши талаб этилади ва ўз навбатида бунда уларнинг эшита олиш хислатлари ҳам талаб этилади.





Пробация–бу озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазоларни ижро этишга қаратилган, пробация назоратидаги шахсларнинг шахсини ижтимоий ва психологик ўрганиш, уларда қонунга итоаткор хулқ-атвори ва жамиятда юриш-туриш қоидаларига ҳурмат муносабатини шакллантириш, улар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширувчи, назорат остидаги шахсларни ахлоқан тузалиши ва ижтимоий мослашуви мақсадига эришишга қаратилган тарбиявий-ахлоқий, педагогик-психологик, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа фаолият йўналишларини ўз ичига қамраб олган тузилмадир.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сонли қарорининг қабул қилиниши эса ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм этилган шахсларни назорат қилиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштирилишига сабаб бўлди десак муболаға бўлмайди.

Қарор ижросини самарали ташкил этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 7 декабрдаги “Пробация хизмати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 316-сонли буйруғи қабул қилиниб, Пробация хизмати ташкилий тузилмаси ҳамда Пробация хизмати тўғрисида Низом тасдиқланди. “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сонли қарор асосида, 2019 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этилишини назорат қилиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари негизида вазирликнинг Жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳузуридаги Пробация хизмати ва тегишлича унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилиб, маҳкумлар ҳуқуқларига сўзсиз риоя этилишини, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги механизмларини жорий этиш, маҳкумлар онгида қонунга итоаткорлик хулқ-атворини, инсонга, меҳнатга, ижтимоий турмуш қоидалари ва анъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантириш тизимини такомиллаштириш, умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос равишда маҳкумлар ҳуқуқлари доирасини янада





кенгайтириш, маҳкумлар, биринчи навбатда, вояга етмаганлар ва ёшларнинг таълим олиши, касбий тайёргарлигини ташкил этиш ҳамда бандлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш, жазони ижро этиш муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, уларнинг озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилган шахсларни ижтимоий мослаштиришда фуқаролик жамияти институтлари билан узвий ҳамкорлигини таъминлаш белгиланди.


“Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони билан, Ички ишлар вазирлиги тузилмасида Жамоат хавфсизлиги департаментининг асосий вазифалари белгиланиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этишни таъминлаш, пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атворини назорат қилиш, ижтимоий мослаштириш ва қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш ишларини ташкил этиш, ички ишлар органлари профилактика ва пробация инспекторлари, патруль-пост ва йўл-патруль хизмати ходимларининг фаолиятини баҳолаш тартиби кўриб чиқилиб, самарадорлик индикаторларини ўз ичига олувчи рейтинг тизимини жорий этилди ва бу тизим Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил 20 январь кундаги “Ички ишлар органлари профилактика хизмати ва пробация инспекторлари, патруль-пост ҳамда йўл-патруль хизмати ходимларининг фаолиятини баҳолаш

бўйича рейтинг тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 15-сонли буйруғи асосида тартибга солинди.

Профилактика инспекторларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга тортилган шахслар билан ишлаш фаолиятининг асосий йўналишлари.

Профилактика инспекторларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга тортилган шахслар билан ишлаш борасида тинимсиз изланиши ва ишлашини талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони билан, Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга тортилган шахслар билан ишлаш бўйича асосий йўналишларни белгилаб берилган. Улар қуйидаги





йўналишлардан иборат:

- озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этишни таъминлаш, пробаця назоратидаги шахсларнинг хулқ-атворини назорат қилиш, ижтимоий мослаштириш ва қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш ишларини ташкил этиш;

- ички ишлар органлари профилактика ва пробаця инспекторлари, патруль-пост ва йўл-патруль хизмати ходимларининг фаолиятини баҳолаш тартибини танқидий қайта кўриб чиқсин ва самарадорлик индикаторларини ўз ичига олувчи рейтинг тизимини жорий этсин;

- пробаця инспекторларининг фаолияти ҳудудий профилактика инспекторлари билан кунлик узлуксиз ҳамкорликда ташкил этиш;

- пробаця инспекторлари зиммасига профилактик ҳисоб ва маъмурий назоратдагиларнинг шахсини ўрганиш ва уларни ижтимоий мослаштириш ишларида профилактика инспекторларига амалий-услубий кўмаклашиш бўйича қўшимча вазифалар юклаш;

- пробаця назоратидаги шахсларга ўрнатиладиган чекловлар доирасини, чекловларга риоя этишни таъминлаш ва назорат қилишнинг механизмларини аниқ белгилаш;


- пробаця назоратидаги шахсларга нисбатан юритиладиган ҳужжатларни тўлиқ электрон шаклга ўтказиш, уларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби ва асосларини белгилаш;

- пробаця назоратидаги шахсларга ижтимоий-психологик ёрдам бериш ҳамда касб-ҳунар ўрганиш ва ишга жойлашишда кўмаклашиш тадбирларини, мутасадди органларнинг вазифаларини аниқ белгилаган ҳолда, яқка тартибдаги ижтимоий мослаштириш дастури асосида амалга ошириш;

- пробаця назоратидаги шахслар ижтимоий-психологик портретининг ягона шаклини, уларни тоифаларга ажратиш мезонларини, янги жиноят содир этишнинг олдини олиш тартибини белгилаш;

- жиноят содир этишга мойил, маъмурий ва пробаця назоратига олинган ҳамда ёт бўлган ғоялар таъсирига тушиб адашган шахсларнинг ижтимоийлашуви, шу жумладан уларни касб-ҳунарга ўқитиш ва тадбиркорликка кенг жалб қилиш орқали ушбу тоифадаги фуқаролар томонидан қайта жиноят содир этилишига йўл қўймаслик;

- жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси,





йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва пробация фаолиятини уйғунлаштириш;

- профилактик ҳисоб, маъмурий назорат ва пробация назоратидаги шахслар томонидан қайта жиноят содир этилишини кескин камайтириш;

- профилактик ҳисоб, маъмурий назорат ва пробация назоратидаги шахсларга ўрнатиладиган чекловлар, шунингдек, уларнинг зиммасига юкланадиган мажбуриятлар доирасини ва уларга риоя этилишини таъминлаш механизмларини аниқ белгилаш;

- профилактик ҳисоб, маъмурий назорат ва пробация назоратидаги шахсларнинг ўрнатилган чекловларга риоя этишини ва уларнинг зиммасига юкланган мажбуриятларни бажаришини таъминлаш, текшириш ва назорат қилиш, шунингдек, ушбу шахсларга тарбиявий ва ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ҳамда уларни ижтимоий мослаштириш бўйича «Ҳаракатлар протоколи»ни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

- «Ижтимоий профилактика», «пробацион профилактика», «тергов профилактикаси», «суд профилактикаси»ни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турлари сифатида жорий этиш ва уларни қўллашнинг аниқ механизмларини белгилаш;

- профилактик ҳисоб, маъмурий назорат ва пробация назоратидаги шахслар билан яқка тартибдаги суҳбатларни махсус «суҳбат хонаси»да ўтказиш тартибини жорий қилиш;


- пробация назоратидаги шахсларнинг яшаш, иш ва ўқиш жойида эканлигини текшириш мақсадида GPS технологияли қурилмаларни амалиётга жорий этиш;

- пробация назоратидаги шахсларга нисбатан рағбатлантириш чораларини қўллаш тартибини жорий этиш, интизомий жазо чораларини қўллаш асосларини аниқ белгилаш;

- пробация назоратидаги шахсларга жамоат таъсирини кўрсатиш, ижтимоий, тиббий ва психологик ёрдам бериш ҳамда касб-хунар ўрганиш ва ишга жойлашишда кўмаклашиш ишларини яқка тартибдаги ижтимоий мослаштириш дастури асосида амалга ошириш;

- пробация назоратидаги шахслар ижтимоий-психологик портретининг ягона шаклини, уларни тоифаларга ажратиш мезонларини, янги жиноят содир этишнинг олдини олиш тартибини белгилаш;

- пробация назоратидагиларнинг хулқ-атворини назорат





қилишда, ўрнатилган чекловларга риоя этишини текширишда, шунингдек, янги жиноят содир этишининг олдини олишда пробация инспекторларига кўмаклашиш.

Жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир.

Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қуйидаги асосий жазолар қўлланилиши мумкин:

- а) жарима;
- б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- б) мажбурий жамоат ишлари;
- в) ахлоқ тузатиш ишлари;
- г) хизмат бўйича чеклаш;
- д) озодликни чеклаш;
- е) интизомий қисмга жўнатиш;
- ж) озодликдан маҳрум қилиш;
- з) умрбод озодликдан маҳрум қилиш.

Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо ҳам қўлланилиши мумкин.


Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатидагина эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тўғрисидаги суд ҳукми ижросини назорат қилишда профилактика инспектори Ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилиш ҳақидаги ҳукмларни (ажримларни) ижрога қабул қилиш ва расмийлаштиришда пробация ходимлари маҳкумнинг ҳисобга олинганлиги ҳақида ички ишлар органи раҳбарига керакли профилактика тадбирларини ўтказиш зарурлиги тўғрисида билдирги орқали хабар қилади.


Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2024.





2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2023.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-27-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил
9. 14 февралдаги “Ички ишлар органлари пробация хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 84-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2018 йил 07 декабрдаги “Пробация хизмати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги
11. 316-сонли буйруғи.
12. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» ги 151-сонли буйруғи.
13. Кушбаков Д. Жиноят субъекти институтининг тартибга солинишига доир хорижий тажриба //Journal of Fundamental Studies. – 2023. – Т. 1. – №. 5. – С. 41-52.
14. Эгамбердиев В. Ички ишлар органларининг ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказиш ҳолатларининг профилактикаси фаолиятини ташкил этишда давлат органлари билан ҳамкорлиги //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 5-13.
15. Кушбаков Д., Эгамбердиев В. Фирибгарлик жиноятини барвақт профилактикасини такомиллаштириш масалалари





//Центральноазиатский журнал междисциплинарных исследований и исследований в области управления. – 2024. – Т. 1. – №. 8. – С. 118-122.

16. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2022 йил 20 январдаги “Ички ишлар органлари профилактика хизмати ва пробация инспекторлари, патруль-пост ҳамда йул-патруль хизмати ходимларининг фаолиятини баҳолаш бўйича рейтинг тизимини жорий этиш тугрисида” ги 15-сонли буйруғи.

